

“Агробанк” АТБ  
Бошқаруви йиғилишининг  
2019 йил 29 ноябрдаги  
124/3 - сонли қарори билан  
**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**

“Агробанк” АТБ  
Кенгаши йиғилишининг  
2019 йил 29 ноябрдаги  
28а/1 - сонли қарори билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**



Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган  
**Бизнес-режаси**

**Тошкент-2019**

## Муқаддима

I боб. Умумий қоидалар.....	2
II боб. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили.....	4
III боб. Банкнинг ривожланиши ҳамда бизнес-режасининг 2020 йилга мўлжалланган йўналишлари.....	8
IV боб. Яқуний қоидалар.....	13

Банкнинг бизнес-режаси мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан аграр соҳани янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштиришга қаратилган. Бунда, алоҳида эътибор қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инновацион технологиялар ҳамда ускуналарни татбиқ қилиш, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг қўламдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадларини қамраб олишга қаратилган.

### **I боб. Умумий қоидалар**

- 1-§. Асос бўлувчи ҳужжатлар
- 2-§. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади
- 3-§. Бизнес режадан фойдаланиш кўлами

#### **1-§. Асос бўлувчи ҳужжатлар**

Мазкур бизнес-режа банк фаолиятининг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1084-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли Қарорлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”га

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти

самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-сонли Қарори;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4487-сонли Қарори;

е) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сонли Қарори;

ж) банк тизимини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари, банкнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари.

## **2-§. Бизнес-режанинг моҳияти ва бош мақсади**

Бизнес-режа банкнинг барча сиёсатларини умумлаштирган ҳолда уларнинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, банкнинг келгусидаги ривожланиш стратегияси ҳамда тактикасини белгилаб беради.

Банкнинг бош мақсади - республика ҳудудларида кенг қамровли инфратузилмаган эга кўп филиалли банк бўлгани ҳолда, ўз миқдорларига замонавий банк хизматларини кўрсатувчи ва барқарор молиявий фаолиятни юритувчи универсал банк сифатида ўз мавқеини доимий мустаҳкамлаб боришдан иборатдир.

## **3-§. Бизнес-режадан фойдаланиш кўлами**

Мазкур бизнес-режа банк фаолияти асосий кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини ўз ичига олади ва банкнинг келгусидаги ривожланиш йўналишлари ҳамда вазифаларини умумлаштирувчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, бизнес-режа банкнинг ликвидлилик ва даромадлилик кўрсаткичлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, таваккалчиликларни бошқариш, банкнинг рақобатдошлик даражасини ошириб бориш ҳамда бошқа шу каби тадбирларни таъминлашга қаратилган.

Бизнес-режадан банк Бошқаруви фойдаланади ва банкнинг 2020 йилга мўлжалланган асосий фаолият йўналишларини ўз ичига қамраб олган ҳолда Бош офиснинг таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалар ҳамда тасарруфларидаги филиаллар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

## **II боб. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиши ва банк секторининг таҳлили**

1-§. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш ва банк секторининг таҳлилий кўрсаткичлари

2-§. Банкнинг жорий молиявий ҳолати таҳлили

3-§. Банкнинг банк секторидаги мақеи ва рақобатдошлик имкониятлари

### **1-§. Мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланиш ва банк секторининг таҳлилий кўрсаткичлари**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 361 858,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулот ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан:

-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,4 фоиз;

-саноат – 107,0 фоиз;

-қурилиш – 119,3 фоиз;

-савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,1 фоиз;

-ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,7 фоиз;

-хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,3 фоизни ташкил қилди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари яқунлари бўйича республика ташқи савдо айланмаси 34,7 млрд. АҚШ долларни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,4 фоизга ўсди. Экспорт ҳажми 14,8 млрд. АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 19,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдо сальдоси минус 5,1 млрд. АҚШ долларни ташкил этди.

2019 йилнинг 3 чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси соф олтин-валюта резервларининг ҳажми йил бошига нисбатан 3,84 фоизга ошди ва 27,4 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди.

Ички бозорда нархларнинг ўсиш суръатларини секинлаштириш ва инфляция тавақалчилигини тушириш мақсадида Марказий банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди. Бу ўз навбатида, жорий йилнинг 3 чорагида банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг ўртача даражасининг ўзгаришсиз қолишини тақазо этди.

2019 йилнинг 9 оyi давомида банкларнинг асосий молиявий кўрсаткичлари юқори ўсиш суръатларини кўрсатди. Хусусан, банк активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43,8 фоизга ўсиб, 2019 йилнинг 9 оyi

якуни бўйича 290,9 трлн.сўмни ташкил этди. Шунингдек, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари шу йилнинг ўтган даврига нисбатан 55,4 фоизга ошди ва таҳлил этилаётган давр якуни бўйича 231,1 трлн.сўмни ташкил этди.

Шунингдек, банклар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,5 фоизга кўпайиб, ҳисобот санасига 77,1 трлн. сўмни ташкил этди.

Банкларнинг капиталлаштириш даражаси эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,5 фоизга ўсиб, 34,2 трлн. сўмга етди. Банк тизимининг капитал етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан белгиланган минимал талаб меъёри таъминланиб келмоқда.

Аҳоли ва хўжалик субъектларидан жалб қилинган депозитлар миқдори эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,6 фоизга ўсгани ҳолда 91,3 трлн. сўмдан ошди.

Мамлакатимизнинг банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатиши натижасида тижорат банкларининг фаолияти юзасидан “Fitch ratings” ва “Moody’s” каби етакчи халқаро рейтинг компаниялари ўзларининг “барқарор” истиқболи билан рейтинг баҳоларини бериб келишмоқда.

Ўтган давр мобайнида пластик карталар орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кескин ўсиши кузатилди. Бунга муомалага чиқарилган пластик карталар сонининг 19,8 млн. донага етганлиги ўз таъсирини кўрсатди. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш жойларига ўрнатилган терминаллар сони 339,6 минг дона ҳамда банкомат ва инфокисокалар сони эса 8,3 минг донадан ошди.

## **2-§. Банкнинг жорий молиявий ҳолати таҳлили**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларни бажариш, банкнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича изчил чоралар амалга оширилди.

Банкнинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлар 2019 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 17 330,3 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 6 954,4 млрд. сўмга ёки 167 фоизга ошди. Жами активлар таркибида даромад келтирадиган активлар 14 968,7 млрд. сўмни ёки 86 фоизни ва даромад келтирмайдиган активлар 2 361,6 млрд. сўмни ёки 14 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот санасига банк кредит қўйилмалари 14 723,4 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 5 973,1 млрд. сўмга (168%) ошди. Кредит қўйилмаларининг 3 097,3 млрд. сўми (21,0%) жисмоний шахслар ҳамда 11 626,1 млрд. сўми (79,0%) юридик шахсларга ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, кредит портфелининг 34,7 фоизини (5 115,4 млрд. сўм) кишлоқ хўжалиги, 20,3 фоизини (2 983,6 млрд. сўм) саноат тармоғига ажратилган кредитлар ташкил этмоқда.

Банк активлари таркибида юқори ликвидли активларнинг салмоғи ҳисобот санасида 8,7 фоизни ёки 1 502,3 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 235,9 млрд. сўмга ошган. Банк ликвидлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Базель-3 талаблари бўйича жорий этилган меъёрлардан ликвидликни қоплаш коэффиценти 158,3 фоизни (*меъёр мин. 100%*) ҳамда соф барқарор молиялаштириш меъёри 114,6 фоизни (*меъёр мин. 100%*) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли ҳамда 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-сонли Қарорларига мувофиқ банкнинг капиталлашувини ошириш, ресурс базани мустаҳкамлаш, фаолиятни халқаро меъёрларга мувофиқ ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Натижада, 2019 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига банкнинг умумий капитали 2 257,0 млрд. сўм, устав капитали 2 162,9 млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан умумий капитал 42,8 млрд. сўм (101,9%) га ўсди.

Ҳисобот санасига Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлар бажарилиши таъминланди. Хусусан, капитал етарлилик кўрсаткичи 13,2 фоиз (*меъёр мин. 13,0%*) миқдорида шаклланди.

Банк ресурс базаси 17 056,7 млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан 6 787,5 млрд. сўмга (166 %) кўпайди. Банк ресурс базасидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларидан жалб қилинган депозитлар миқдори 5 571,6 млрд. сўмни ёки 33 фоизини ташкил этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилишни кенгайтириш мақсадида банк томонидан 200 млрд. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди ва жорий йилнинг ўтган даврида 77,3 млрд. сўмлик депозит сертификатлар мижозлар ўртасида жойлаштирилди. Ҳисобот санасига жойлаштирилган депозит сертификатлар қолдиғи 110,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, жалб этилган кредит линиялар ҳисобидан умумий 95,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар ўзлаштирилди.

Жорий йилда Ландесбанк Баден Вюртемберг банкидан 41,9 млн. АҚШ доллари, Коммерцбанкдан 25,7 млн. АҚШ доллари, Хитой Эксимбанкдан 20,0 млн. АҚШ доллари, Хусусий секторни ривожлантириш Ислон корпорациясидан 5,7 млн. АҚШ доллари, Зираатбанкдан 385,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари жалб қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банкнинг жами олган даромадлари 2 853,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 753,5 млрд. сўмга ёки 259 фоизга ошди. Шунингдек, жами 2 822,4 млрд. сўм миқдорда харажатлар амалга оширилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 263 фоизга ёки 1 748,4 млрд. сўмга кўпайди. Натижада, 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига банк бўйича олинган фойда 30,6 млрд. сўмни ташкил этди.

### **3-§. Банкнинг банк секторидаги мавқеи ва рақобатбардошлик имкониятлари**

Иқтисодиётнинг аграр тармоғини қўллаб-қувватлаш бўйича банкнинг етакчилиги, кенг тармоқли филиаллар тизими, барқарор капиталлашув даражаси ва анъанавий мижозлар базасига эгаллиги, хорижий банклар ҳамда молия институтларининг жалб этилган кредит линиялари мавжудлиги банкнинг рақобатбардошлик имкониятларини янада оширмоқда.

Банк республика ҳудудида кенг қамровли тизимга, жумладан 13 та ҳудудий бошқарма, 178 та филиал ҳамда 152 та банк хизматлари маркази, 76 та махсус кассаларга эга. Банк томонидан 290 мингдан ортиқ барча мулкчилик шаклидаги юридик шахсларга ва 2,6 млн.дан ортиқ жисмоний шахслардан иборат мижозларга комплекс банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Банкнинг кенг қўламдаги чакана ва корпоратив хизматларни кўрсата олиш имкониятлари, кредит портфели ҳамда молиялаштириш базасининг доимий кенгайтирилиши ва диверсификацияланиши мамлакатнинг банк секторида етакчи мавқеи эгаллаш имкониятини бермоқда.

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг 2019 йил III чорак якунига кўра Агробанк мамлакат банк секторида қуйидаги етакчи мавқеларни эгаллаган:

- а) активлар бўйича 5-ўрин, банк секторидаги улуши - 6,4%;
- б) акциядорлик капитали бўйича 5-ўрин, банк секторидаги улуши - 6,6%;
- в) кредит портфели бўйича 5-ўрин, банк секторидаги улуши - 6,8%;
- г) тадбиркорлик субъектлари ва ташкилотларга ажратилган кредитлар қолдиғи бўйича 5-ўрин, банк секторидаги улуши - 8,3%;
- д) инвестициялар ҳажми бўйича 5-ўрин, банк секторидаги улуши - 7,3%;

е) жалб қилинган депозитлар бўйича 6-ўрин, банк секторидаги улуши - 6,5%.

“Moody’s” ҳамда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари банк фаолияти натижаларини бегиланган рейтинг шкалалари бўйича “Барқарор” истиқболи билан баҳолаб келмоқда.

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан миллий кўрсаткичлар бўйича банкнинг фаолияти натижаларини энг юқори “uzA+” “Барқарор” истиқболи билан баҳолади.

Банк ўзининг молия бозори ва банк секторидаги рақобатбардошлик имкониятларини қуйидаги омиллар орқали баҳолайди:

-Республиканинг деярли барча ҳудудларини географик жиҳатдан қамраб олган филиаллар ва минибанкларнинг мавжудлиги;

-Узоқ тарихга эга бўлган банк тажрибасининг мавжудлиги;

-Диверсификацияланган кенг қамровли миқдорлар базасининг мавжудлиги;

-Банк томонидан янги хизмат турлари қўламини кенгайтириш имконияти;

-Замонавий информацион технологиялар ва дастурларни жорий этиш имкониятининг мавжудлиги;

-Халқаро молия институтлари билан доимий алоқаларнинг кучайтириш;

-Ташаббускор ва юқори тажрибага эга бўлган кадрларнинг мавжудлиги.

### **III боб. Банкнинг ривожланиши ҳамда бизнес-режасининг 2020 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари**

1-§. Банк ривожланишининг 2020 йил учун белгиланган устувор йўналишлари

2-§. Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари

#### **1-§. Банк ривожланишининг 2020 йил учун белгиланган устувор йўналишлари**

Банкнинг 2020 йил фаолиятининг асосий устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4071-сонли Қарорларига мувофиқ ҳамда иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, банкнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, халқаро қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичларининг мақбул даражасига эришиш, банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, капиталлашув даражаси ҳамда узоқ



муддатли ресурс базасини ошириш ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Банк фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- ◆ Илғор хорижий банклар тажрибалари асосида банк хизматлари кўрсатишни янгича ёндашув асосида ташкил этиш мақсадида халқаро банк иши тажрибасига эга етук хорижий экспертларни жалб этиш орқали банкда замонавий менежментни жорий этиш;

- ◆ Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда замонавий ахборот технологиялари ҳамда банк хизматларини сотиш тизимларини ривожлантириш;

- ◆ Банк фаолиятини таркибий қайта ташкил қилиш мақсадида банк ходимларини хорижий давлатлар банкларида малакасини ошириш ва ўқитиш ишларини ташкил этиш;

- ◆ Инновацион банк хизматларини жорий этиш, мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида янги турдаги кредитлаш амалиётларини жорий этиш;

- ◆ Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва уларнинг кредит линияларини кенг жалб этиш;

- ◆ Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банк мажбуриятлари таркибида барқарор ва узоқ муддатли депозитлар миқдорини ошириш чораларини кўриш;

- ◆ Аҳолига 24/7 тизимида хизмат кўрсатишни кенгайтириш учун банкоматлар сонини 1400 тага етказиш ёки 2,3 баробарга ва инфокиосklar сонини 620 тага етказиш ёки 47 фоизга кўпайтириш;

- ◆ банкнинг инвестиция портфели таркибидаги паст рентабелли, даромад келтирмайдиган ва банк фаолиятига хос бўлмаган инвестицияларини сотиш, чораларини амалга ошириш, банкнинг инвестиция портфели даромадлигини Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда бўлишини таъминлаш;

- ◆ янги турдаги кредит маҳсулотлари, пул ўтказиш тизимлари, оилавий “кобейдж” пластик карталарини муомалага чиқариш, рағбатловчи, чегирмали ва бонусли лойиҳаларни амалга ошириш орқали пластик карталарни қулай ва ишончли ҳамда жамғариш ва тўлов воситаси сифатида кенг тарғиб этиш;

- ◆ банкнинг ликвидлик позицияларини ягона услуб асосида мунтазам равишда стресс-тестдан ўтказиб бориш орқали банкнинг молиявий ҳолатини пасайишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриб бориш;

- ◆ банк-молия соҳасида, айниқса риск-менежмент масалаларига масъул бўлган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

♦ банк даромадлигининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобига янада ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини ташкил этишга йўналтирилган банкнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш;

♦ банкнинг чакана хизматини ривожлантириш ва даромадни ошириш бўйича халқаро пул ўтказмалари шахобчаларини кўпайтириш. Жисмоний ва юридик шахсларни бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш бўйича СПОТ, СВОП операцияларидан кенг фойдаланиш;

♦ Базель қўмитасининг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ институционал жиҳатдан янада ривожланиш, жумладан банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк таваккалчилигининг бошқарилишини такомиллаштириш орқали унинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

♦ чет эл молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва нуфузли “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлаш;

♦ Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, банк Кузатув кенгаши қошида ташкил этилган қўмиталар фаолиятини банкнинг назорат қилиш ва мувофиқлаштириш жараёнидаги иштирокини янада кучайтириш ва кузатув кенгаши аъзолари ишини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

♦ ходимларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш, шунингдек уларни ишга қабул қилиш жараёнини қайта кўриб чиқиш ҳамда фаолиятини баҳолаш жараёнларини автоматлаштириш (KPI).

♦ Мижозларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа иқтисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун кредит ресурсларини йўналтириш.

♦ Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.

♦ Пахта тўқимачилик кластерлари билан ишлашни такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўлами ва сифатини янада ошириш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

♦ Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кредитлаш механизмларини соддалаштириш.

♦ Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, экспортбоп, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини қўллаб-қувватлаш.

♦ Агробанк фаолиятини илғор хорижий банклар тажрибасига асосан ташкил қилиш ва молиявий самарадорлигини оширишга қаратилган узок муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

♦ Мижозларга қулайлик яратиш учун банк филиаллари биноларини жорий ва капитал таъмирлаш, ташқи ва ички кўринишини ягона услубият асосида ташкил қилиш.

## **2-§. Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари**

**Активлар.** Активларнинг ҳажми ва диверсификация қилинганлик даражаси банк ҳолатига умумий баҳо берилишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Активларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси ҳамда унинг таркибини даромадлилик, таваккалчилик жиҳатидан мақбуллаштириш масаласига муҳим эътибор қаратилади.

Активлар ҳажмининг барқарор ўсишига эришиш мақсадида 2020 йил якунига активлар ҳажмини 23 618,8 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Активларнинг ўсишида улар таркибининг мақбулликига ҳамда активлар сифатининг юқориликка катта аҳамият қаратилади. Бунда, кредит кўйилмалар қолдиғи 19 898,9 млрд. сўмга етказилади.

Банк активларининг юқори даромадлигини таъминлаш, умумий ликвидликка эришишга йўналтирилган банкнинг кредит ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чоралар кўрилади.

Пировард натижада, банк маблағларидан самарали фойдаланишнинг муҳим белгиларидан бири - бу банк умумий активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар улушининг мақбул даражада бўлишини таъминлаш билан биргаликда даромад келтирмайдиган активлар салмоғини камайиб бориш тенденциясининг мавжудлиги ҳисобланади.

**Мажбуриятлар.** Банк умумий мажбуриятларини 2020 йил давомида 18 501,7 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, банк томонидан ушбу мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ва жорий ликвидликни таъминлаш мақсадида банк активларининг сифат таркибини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилади.

Банк мажбуриятларининг 2020 йил давомида ўз вақтида бажарилиши юзасидан аниқ чоралар кўрилади. Биринчи навбатда, корпоратив мижозларнинг пул оқимлари устидан доимий мониторинг ўрнатилади.

Бунда, банк депозитлари ҳажмининг 2020 йил якунига қадар 6 973,8 млрд. сўм миқдорида бўлиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, жамғарма ва муддатли депозитларига маблағларни жалб қилишни янада фаоллаштириш, бунда янги жозибадор омонатлар ва жамғармали депозитларни жорий этиш орқали аҳоли омонатлари ҳамда пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғини ошириш кўзда тутилмоқда.

**Банк капитали.** Капитал - банк фаолиятининг асосий молиявий таянчи бўлиб, банкнинг иқтисодий бошқариш воситасидир, шунингдек ундан омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳамда банк фаолияти ривожини таъминловчи манба сифатида фойдаланилади.

Банк умумий капиталини 2020 йил давомида 5 117,1 млрд. сўмга етказишни кўзда тутган ҳолда унинг етарлилиги даражасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлардан кам бўлмаган даражада сақланишини таъминлаш чоралари белгиланган.

Банк капиталининг кўзда тутилаётган ўсишининг асосий манбаси бўлиб, 490,0 млрд. сўм миқдорида олинadиган фойда ҳисобланади. Фойдани кўпайтиришнинг муҳим йўналиши бўлиб актив ва пасивлардан мақбул даражада фойдаланиш, хусусан кредит, инвестиция ҳамда депозит сиёсатларини самарали юритишдан иборатдир.

**Даромадлар ва харажатлар.** Банк томонидан 2020 йил давомида актив ва пасивларни самарали бошқариш орқали 4 100,3 млрд. сўм ҳажмида харажат амалга оширилган ҳолда 4 590,3 млрд. сўм миқдорида даромад олиш, натижасида йилни 490,0 млрд. сўм ҳажмидаги соф фойда билан яқунлаш режалаштирилган.

Бунда кредит ва лизинг амалиётларидан олинadиган фоизли даромадлар 3 383,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўз навбатида жалб қилинган маблағларга тўланadиган фоизли харажатлар 2 242,8 млрд. сўм миқдорида бўлиши режалаштирилган. Натижада, банк 2020 йил давомида 1 140,6 млрд. сўм миқдорида соф фоизли даромадга эга бўлади.

2020 йил давомида олинadиган фоизсиз даромадлар ҳажми 1 206,9 млрд. сўмни ҳамда амалга ошириладиган фоизсиз харажатлар 732,1 млрд. сўм бўлиши режалаштирилмоқда. Харажатлар таркибининг 913,8 млрд. сўмини операцион харажатлар ташкил этмоқда. Операцион харажатлар таркибида банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар 658,5 млрд. сўмни, ижара ва таъминот харажатлари 96,5 млрд. сўмни, маъмурий харажатлар 36,1 млрд. сўмни, репрезентация ва хайрия харажатлари 25,7 млрд. сўмни, эскириш харажатлари 71,6 млрд. сўмни ҳамда суғурта ва солиқ харажатлари 13,3 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Молиявий активларни баҳолаш ва классификациялашга доир МСФО №9 янги талабларининг жорий этилиши ҳамда таваккалчиликка тортилган активларнинг таваккалчилик даражасига қараб 86,3 млрд. сўм миқдорида захира ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, 2020 йил давомида 1608 дона компьютерлар, 974 дона принтер, 200 дона инфокиоска, 6000 дона терминал ва янги дастурий таъминотлар сотиб олинishi ҳамда 125,8 млрд. сўмлик янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

## **IV боб. Якуний қоидалар**

1-§. Якуний қоидалар

2-§. Иловалар

### **1-§. Якуний қоидалар**

Бизнес-режа банк фаолиятини тезкор бошқариш бўйича тавсифий характерга эга бўлиб, унинг асосий йўналишларини белгилайди, сиёсатларни ҳамда ҳар хил ҳисоботларни тузишда минимал шартларни кўяди.

Банк фаолияти кўрсаткичлари объектив сабабларга кўра амалдаги бизнес-режанинг асосий параметрларига нисбатан кескин ўзгарса, ушбу бизнес-режа параметрлари йил давомида банк Кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланиши лозим.

Ўз навбатида бизнес-режага умумий параметрларни сақлаган ҳолда даромадлар ва харажатлар ҳамда бошқа параметрлар доирасидаги тегишли ўзгартиришларни киритиш ваколати банк Бошқарувига берилади.

### **2-§. Иловалар**

Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес-режасининг асосий кўрсаткичларига доир жадваллар илова қилинади.

**"Агробанк" АТБнинг  
2020 йилга мўлжалланган  
Бизнес-режасига 1-илова**

**"Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг 2020 йилга мўлжалланган Бизнес-режасининг  
асосий кўрсаткичлари**

*млн. сўмда*

№	Кўрсаткичлар номи	01.04.2020 й.	01.07.2020 й.	01.10.2020 й.	01.01.2021 й.
А	Б	1	2	3	4
<b>I</b>	<b>АКТИВЛАР</b>	<b>22 064 990</b>	<b>23 609 054</b>	<b>21 986 902</b>	<b>23 618 804</b>
1	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	643 161	665 452	688 463	717 466
2	ЎзРМБдаги ҳисобварақлар	1 098 352	1 131 166	1 165 039	1 207 732
3	Бошқа банкдаги маблағлар	209 731	239 843	270 927	310 105
4	Кредит қўйилмалари ва лизинг	18 844 955	20 239 077	18 462 146	19 898 962
4,1	Тижорат кредитлари ва лизинг	12 106 833	13 221 995	14 374 020	15 833 234
4,2	Пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари	6 738 123	7 017 082	4 088 127	4 065 727
5	Инветициялар	139 027	148 531	158 343	170 709
6	Ҳисобланган ундирилмаган даромадлар	75 150	73 363	71 518	69 192
7	Асосий воситалар	643 050	695 700	750 048	818 549
8	Бошқа активлар	411 563	415 921	420 419	426 089
<b>II</b>	<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>	<b>17 339 902</b>	<b>18 761 465</b>	<b>16 992 314</b>	<b>18 501 716</b>
1	Депозитлар	5 557 276	5 982 243	6 420 919	6 973 833
-	<i>муддатли</i>	4 404 678	4 826 463	5 261 853	5 810 626
1,1	Жисмоний шахслар	2 045 132	2 271 569	2 505 310	2 799 921
-	<i>муддатли</i>	1 597 146	1 798 329	2 006 002	2 267 756
1,2	Юридик шахслар	3 512 143	3 710 674	3 915 609	4 173 912
-	<i>муддатли</i>	2 807 532	3 028 133	3 255 851	3 542 870
2	Депозит сertiфикатлар	127 330	146 270	165 822	190 465
3	Субординар қарз	196 750	203 725	210 925	220 000
4	Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари	913 758	932 418	951 680	975 959
5	Маҳаллий ва хорижий кредит линиялар	9 315 803	10 240 590	7 958 637	8 821 695
6	Клиринг трансакциялари	209 344	211 148	213 011	215 358
7	Бошқа мажбуриятлар	1 019 642	1 045 071	1 071 321	1 104 406
<b>III</b>	<b>КАПИТАЛ</b>	<b>4 725 088</b>	<b>4 847 588</b>	<b>4 994 588</b>	<b>5 117 088</b>
1	Устав капитали	4 393 017	4 393 017	4 393 017	4 393 017
2	Қўшимча капитал	1 417	1 417	1 417	1 417
3	Захира капитали	58 303	228 990	228 990	229 022
4	Тақсимланмаган фойда	272 352	224 165	371 165	493 665
4,1	Тақсимланмаган фойда	174 352	3 666	3 666	3 666
4,2	Соф фойда (зарар)	98 000	220 500	367 500	490 000
<b>IV</b>	<b>КўРСАТКИЧЛАР</b>				
1	ROA	0,5%	1,0%	1,6%	2,3%
2	ROE	2,1%	4,7%	7,7%	10,1%

**"Агробанк" АТБнинг  
2020 йилга мўлжалланган  
Бизнес-режасига 2-илова**

**"Агробанк" АТБ томонидан 2020 йил давомида амалга ошириладиган даромад ва харажатлар**

*млн. сўмда*

№	Кўрсаткичлар	01.04.2020 й.	01.07.2020 й.	01.10.2020 й.	01.01.2021 й.
А	Б	1	2	3	4
<b>I</b>	<b>ДАРОМАДЛАР</b>	<b>675 701</b>	<b>1 466 298</b>	<b>2 362 117</b>	<b>4 590 322</b>
1	Фоизли даромадлар	435 485	925 813	1 461 308	3 383 401
1,1	Кредитлар буйича фоизли даромадлар	430 539	914 684	1 442 761	2 396 638
2	Фоизсиз даромадлар	240 216	540 486	900 809	1 206 922
<b>II</b>	<b>ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>577 701</b>	<b>1 245 798</b>	<b>1 994 618</b>	<b>4 100 323</b>
1	Фоизли харажатлар	166 243	374 046	623 410	2 242 781
2	Фоизсиз харажатлар	150 392	333 289	548 227	732 129
3	<b>Операцион харажатлар</b>	<b>217 592</b>	<b>443 036</b>	<b>673 869</b>	<b>913 751</b>
3,1	Банк хизматчиларининг иш хаки ва бошкалар	155 418	317 052	484 075	658 511
3,2	Ижара ва таъминот харажатлари	23 509	47 637	71 764	96 510
3,3	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	2 942	5 961	8 980	12 077
3,4	Маъмурий харажатлар	8 785	17 800	26 816	36 063
3,5	Репрезентация ва хайрия	6 273	12 712	19 150	25 754
3,6	Эскириш харажатлари	17 435	35 328	53 221	71 573
3,7	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	3 231	6 546	9 862	13 263
4	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	13 730	34 914	56 804	86 304
5	Даромад солиғини баҳолаш	29 744	60 513	92 308	125 357
<b>III</b>	<b>ФОЙДА</b>	<b>98 000</b>	<b>220 500</b>	<b>367 500</b>	<b>490 000</b>